Mavjud
bepul nusxa

2020 йил – илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi 2020-yil 23-iyul, payshanba **31** (9068)-sonlar e-mail: **info@qishloqhayoti.uz**

Мавсум муваффақияти

Бунда пахта ва ғалла йўналишидаги қишлоқ хўжалиги кластери ғаллакорларининг ҳам алоҳида ўрни бор. **3-саҳифа ►**



“Уйда ўтириб, пенсиямни жамғараяпман”

Тадбиркорликка илк қадам ўзини ўзи банд қилишдан бошланади. **3-саҳифа ►**

Ўзбекистон Экспортчилар уюшмаси Навоий вилояти бўлими раҳбари Сардор Ғаффоров вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Шерзод Баҳронов билан ҳамкорликда янги лойиҳага қўл урди.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲА:

Навоий вилояти

“ТАДБИРКОРГА ЯҚИН КЎМАКЧИМИЗ!”





“Тадбиркорга яқин кўмакчимиз!” шиори остидаги мазкур лойиҳа пандемия даврида бизнес вакиллари фаолияти билан танишиш, экспорт фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатишни ўзига мақсад этган.

Шу мақсадда уюшма раҳбари ва вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи бу эзгу ташаббус доирасида дастлабки қадамни ташлади.

Лойиҳа даставвал вилоят Давлат хизматлари маркази биносидан бошланиб, мазкур ҳудудда тадбиркорликни ташкил этиш бўйича йўлга қўйилган хизматлар фаолияти билан яқиндан танишилди.

(Давоми 3-саҳифада)



Марказ фаолиятидан фермерлар мамнун

Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузурида сув тежовчи технологиялар афзаллигини тарғиб этувчи марказ ташкил этиганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ бу ердаги янгиликлардан кўпгина фермерлар, боғбонлар, ер эгалари самарали фойдаланишмоқда.

Водий вилоятларида сув тақчиллиги қўпроқ сезилаётган шу кунларда томчилатиб суғоришни жорий қилишга эҳтиёж кўпроқ сезилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айни дамда ҳавза раҳбарларидан тортиб оддий ходимлар, туман ирригация бўлимлари раҳбарларигача шу тўғрида бош қотиришаяпти. Шунинг учун жорий йилнинг шу даврига қадар 2000 гектардан ортиқ ердаги пахтазорга томчилатиб суғориш технологиялари ўрнатилди. Бу ерларнинг эгалари бўлган фермерлар сув бориши қийин бўлган тошли, шағалли ерларда бу усулни қўллаганлари учун яхши самарага эришаяптилар.

– Ҳавза бошқармаси биносининг ташқарисида сув тежовчи технологиялар асбоб-ускуналарини қўйганмиз, – дейди бошқарма Янги техника ва технологияларни жорий этиш бўйича бош мутахассиси Эркинжон Пармонов. – Фарғона, Олтиариқ, Қува ва бошқа туманлардан келган фермер ва боғбонлар марказимизга келиб керакли маслаҳатлар олмоқдалар, янги усул афзаллигига ишонч ҳосил қилмоқдалар. Туркияда ишлаб чиқарилган бу технологияларни кўришга, ўзларида уларни жорий этишга қизиқиш тобора ошмоқда. Бугунги кунга қадар марказимизга 300 дан ортиқ сув тежовчи технологияларга қизиқувчилар келиб, маслаҳат олиб кетдилар.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
Сирдарё-Сўх ИТҲБ матбуот котиби.

“Jinjuz silk co” – пиллачилик занжирида яна бир халқа

Мутахассисларнинг айтишларича, оғирлиги 2 грамм бўлган битта пилла 1000 метрга яқин тола берар экан. 100 килограмм пилладан 100-140 метр газлама тўқишга етарли ипак олиш мумкин. Ипак тола мустаҳкамлиги пўлат симникига яқин бўлиб, 1 квадрат миллиметрли ипакни узиш учун унга 50 килограммга тенг куч сарфлаш керак.

Давоми 2-саҳифада ►

Наманганда Changan бренди остида кичик юк автомобиллари ишлаб чиқарилади

Чуст тумани ҳудудида жойлашган “Наманган” эркин иқтисодий зонасида Хитойнинг Changan бренди остида кичик юк автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга оширишга киришилди.



Президентимизнинг 2018 йил 20 августдаги фармонига мувофиқ ташкил этилган ва 681 гектар майдонни эгаллаган “Наманган” эркин иқтисодий зонасида айни пайтда умумий қиймати 601 миллион долларлик 18 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан иккитаси – “Чуст текстиль” ва “Ифода агрокимёҳимоя” корхоналари аллақачон ўз фаолиятини бошлаган.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН АҲОЛИ, ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ, САВДО ВА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Коронавирус пандемияси даврида аҳолини, айниқса, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасидаги тадбиркорлик субъектларини қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадларини таъминлаш, санитария-эпидемиологик вазият яхшиланишига қараб ушбу субъектларни жадал қайта тиклаш, шунингдек, иш ўринларини сақлаб қолиш мақсадида:

1. Белгилансинки:

а) 2020 йил 1 июлдан **2020 йил 31 декабрга қадар:**

умумий овқатланиш корхоналари ва биноларни ижарага беришга ихтисослашган корхоналар айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан озод этилади;

жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлашдан озод этилади;

мол-мулкини (бинолар ва автомобиль транспорти) ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади;

ижарага берувчиларга 2020 йил учун ижара тўлови миқдорини пасайтириш мақсадида, шу жумладан, тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда ижара тўловини қайта кўриб чиқиш тавсия этилсин;

б) 2020 йил 1 апрелдан **2020 йил 31 декабрга қадар** умумий овқатланиш корхоналари алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимни тўлашдан озод қилинади;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5969-сон Фармонида белгиланган алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдорини **5 фоиздан 3 фоизга** пасайтиришга доир имтиёз муддати **2020 йил 31 декабрга қадар** узайтирилади;

г) умумий овқатланиш корхоналарига алкоголь маҳсулотларини етказиб бериш орқали сотиш ҳуқуқи берилади.

2. Умумий овқатланиш корхоналари учун кичик тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллаган ҳолда, уларни кичик корхоналар тоифасига киритиш мақсадида 2020 йил 1 июлдан бошлаб умумий овқатланиш корхоналари учун белгиланган ходимларнинг йиллик ўртача сони **25 нафардан 50 нафарга** оширилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 июлга қадар умумий овқатланиш корхоналари карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган жойлаштириш, қуриш ва фойдаланиш бўйича вақтинчалик талабларга риоя қилган ҳолда ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларини хабардор қилиш орқали истеъмолчиларга овқатланиш хизматларини кўрсатиш учун ўзларига туташ бўш ер участкаларида енгил конструкцияларни бепул жойлаштириш ва қуриш ҳуқуқига эга.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 июлга қадар карантин чекловларининг бекор қилинишига қараб тадбиркорлик субъектларига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан шартнома тузмасдан давлат солиқ хизмати органларини савдо муддати, маҳсулоти ва транспорт тўхташи тақиқланмаган жойларни кўрсатган ҳолда хабардор қилиш орқали **автодўкон, автомагазин, автотиркама, автоцистерна ва фудтраклар орқали савдо қилиш** ҳуқуқи тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўзининг расмий сайти ва мобиль иловалар орқали кўчма савдони бошлаш тўғрисида электрон хабарномаларни бепул қабул қилишни таъминласин.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН АҲОЛИ, ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ, САВДО ВА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки кун муддатда умумий овқатланиш корхоналарида истеъмолчиларга овқатланиш ёки ҳордиқ чиқариш хизматларини кўрсатиш учун енгил конструкцияларни жойлаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича вақтинчалик талабларни тасдиқласин;

2021 йил 1 январга қадар халқаро тажрибадан келиб чиқиб, умумий овқатланиш корхоналарининг мавсумий кафелари ишлаши, шунингдек, кўчма савдони амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

6. Белгилансинки, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган ҳолларда, солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларини беш кундан кўп бўлмаган муддатга кечиктирганлик учун жарима солинмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–5996-сон Фармонида белгиланган қуйидаги солиқ имтиёзлари ва преференциялари **2020 йил 31 декабрга қадар** узайтирилсин:

а) **мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш**дан озод қилиш бўйича берилган имтиёзлар:

кичик тадбиркорлик субъектлари;

бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан, банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун;

б) **ижтимоий солиқ ставкасини 12 фоиздан 1 фоизга пасайтириш** бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзлар (акцизости маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно);

в) божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган муддат давомида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шарти билан, товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган **божхона божи ва акциз солиғини тўлаш муддатини кечиктириш** тақдим этиш;

г) микрофирма ва кичик корхоналарда **2020 йил 15 май ҳолатига** солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича **мавжуд бўлган қарздорликни ундиришни тўхтатиш**.

Белгилансинки, умумий овқатланиш корхоналари ижтимоий солиқнинг пасайтирилган ставкасини ишчиларнинг сонидан қатъи назар қўллайди.

8. Ваколатли органлар аудиторлар, риэлторлар, баҳоловчилар, актуарийлар, аптека ва уларнинг филиаллари мудирлари, туристик ташкилотларнинг ишчилари ва гидлар (экскурсоводлар), хорижий тилларга ўқитувчиларнинг 2020 йил 1 мартда тугайдиган малакавий сертификатлари муддатини навбатдаги малакавий имтиҳонларни ўтказиш санасига қадар узайтирсин.

9. Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондига, "Саховат ва кўмак" фондига, "Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фондига, шу жумладан, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига беғараз ёрдам бериш (беғараз ёрдам олиш) қисмида фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиши **2020 йил 31 декабрга қадар** узайтирилсин.


Маълумот учун қабул қилинсинки, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, шунингдек, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича оналарга бериладиган нафақалар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда жами даромадга киритилмайди.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 20 июль

АКАДЕМИК САТТОР ТУРСУНМУҲАМЕДОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Ижтимоий фалсафа ва социология соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Саттор Турсунмуҳамедов шу йил 21 июль куни 91 ёшида вафот этди.

С.Турсунмуҳамедов 1929 йил 11 январда Қозоғистон Республикасининг Чимкент вилоятига қарашли Туркистон шаҳрида туғилди. 1952 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тугатиб, ушбу университет аспирантурасида таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1955 йили Тошкент молия-иқтисод институтида катта ўқитувчи сифатида бошлаган истеъдодли олим қарийб 65 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) доценти, профессори, кафедра мудири, Республика ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти директори, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Тошкент давлат педагогика университети) ректори, Республика юқори малакали педагоглар тайёрлаш институти директори, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети кафедра мудири каби лавозимларда самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олимнинг ижтимоий фалсафа ва социология соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган мақола ва тадқиқотлари, монография ва рисолалари юртимиз олимлари ва мутахассисларига яхши маълум.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга таълим-тарбия берган илм-фан фидойисининг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик С.Турсунмуҳамедовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Саттор Турсунмуҳамедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ



Наманганда Changan бренди остида кичик юк автомобиллари ишлаб чиқарилади

(Боши 1-саҳифада)

Хитойнинг Changan брендига мансуб кичик юк автомобилларини ишлаб чиқариш "Хориждаги ватандошлар" лойиҳаси доирасида амалга оширилади. Лойиҳага сўнгги ўн йил давомида Бирлашган Араб амирликларининг Ажман шаҳрида истиқомат қилиб келаётган асли наманганлик тадбиркор Жобирхон Ҳомидов томонидан 800 минг доллар, бошқа хорижий инвесторлар томонидан 2 миллион доллар ҳамда 3 миллион доллар банк кредити бўлиб, жами 5,8 миллион доллар миқдорида инвестиция жалб этилади.

Namangan Changan Motors МЧЖ томонидан лойиҳанинг биринчи босқичида йилига 1 минг 800 та 1-1,5 тонна юк кўтарадиган тўрт русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилади ва 120 киши иш билан таъминланади. Кейинги уч йил давомида маҳаллийлаштиришни 50 фоизгача етказиш ва маҳсулотнинг учдан бир қисмини БАА ҳамда Марказий Осиё давлатларига экспорт қилиш кўзда тутилган.

Тадбиркорнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистоннинг ўзида йилига 20 мингтагача шундай русумдаги автомобилларга эҳтиёж бор. Яқин ва узоқ хориж бозорлари инобатга олинадиган бўлса, ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтириш имкониятларини чамалаш мумкин бўлади.

– Автомобилсозлик саноати машинасозлик саноатининг етакчи тармоқларидан бири саналади. У нафақат мамлакат иқтисодиётининг ўсишига, балки машинасозлик соҳасига қайсидир даражада дахлдор бўлган бошқа хўжалик тармоқларининг ривожига ҳамда илмий-техник ривожланиш йўналишлари тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутади, – деди лойиҳанинг тақдимот маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокими Ҳ.Бозоров. – Namangan Changan Motors томонидан ишлаб чиқариладиган автомобилларга ҳозирнинг ўзида талаб ва харидорлар етарли эканлиги лойиҳанинг истиқболидан далолат бериб турибди. Келгусида бу ерда эҳтиёт қисмлар тайёрланадиган бошқа корхоналар ҳам барпо этилиб, яхлит автомобилсозлик мажмуаси вужудга келади.

Корхона илк маҳсулотини 2021 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқара бошлайди.

Акрамжон САТТОРОВ, ЎзА

"Jinjuz silk co" – пиллачилик занжирида яна бир халқа

(Боши 1-саҳифада)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 29 мартда имзоланган "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан республикамизда "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ташкил этилган эди. Янги ташкилот олдига пилла хом ашёсини етиштириш, уни қайта ишлаш, юқори сифатли ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, дунё бозорига чиқиш каби қатор долзарб вазифалар қўйилди.

– Зиммамизга юклатилган муҳим вазифа ўта масъулиятли, илмий, амалий фаолликни талаб қиларди, – дейди **"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси раиси Баҳром Шарипов.** – Шунинг учун ҳам, энг аввало, уюшма тизимига ҳар томонлама билимли, малакали мутахассисларни жалб этдик. Кенг миқёсли режалар, лойиҳалар билан ишга киришдик. Ахир, ипак майин бўлгани билан унинг меҳнати қаттиқ-да.

Дарҳақиқат, шундай. Бугун эскича, қолоқ усуллар билан ишлаш вақти ўтди. "Ўзбекипаксаноат" ўз фаолиятини замонавий тизимлар, фаол тадбиркорлик, юксак технологияларга таянган ҳолда ташкил этди. Сансалорлик, қоғозбозлик, буйруқбозлик каби иллатлар тўла бартараф этилди. Уюшма ташкил этилган илк даврдаёқ 13 та ҳудудий ва 144 та туман "Агропилла" МЧЖлари фаолияти кенг йўлга қўйилди. Ипак қурти боқиш учун озуқа базасини кенгайтириш, уруғчиликни ташкил этиш, пилла хом ашёсини қайта ишлаш, ипак маҳсулотлари тайёрловчи корхоналар бунёд этиш, бу борада дунёдаги ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, бугунги кунда 56 та пиллани қайта ишлаш, 9 та ипак қурти уруғи етиштириш корхоналари ҳамда 22 та тут уруғи ва кўчатлари етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар уюшма таркибида фаолият кўрсатмоқда. 2017 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси дунё мамлакатлари ичида йигирманчи давлат бўлиб Халқаро Ипакчилик Кенгашига (ISC) аъзо бўлиб кириши, айниқса, диққатга сазовордир.

Кўриниб турибдики, ипак нафақат тўқимачилик саноатида, балки ҳарбий, авиация, тиббиёт ва бошқа соҳаларда ҳам ўрнини бошқа нарса боса олмайдиган материал сифатида кенг фойдаланилади. Шу боис Ўзбекистонда кейинги йилларда пиллачиликни жадал ривожлантириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу маънода Тошкент вилояти Оҳангарон тумани "Эвалак" МФЙ ҳудудидаги "Jinjuz silk co" корхонаси ўтган йилнинг ноябрь ойида "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси ва жанубий кореялик инвесторлар ҳамкорлиги туфайли барпо этилган. Қиймати 5,5 миллион долларга тенг лойиҳа учун айнан мазкур туман танлангани бежиз эмас. Иқлими пилла етиштириш учун жуда қулай. Ишчи кучи ва бошқа ресурслар танқислиги йўқ. Ишлаб чиқарилган ипак толаси тўғридан-тўғри Корея Республикасига экспорт қилинмоқда. Ўтган йили 736 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот четга чиқарилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични 1,5 млн. АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Ҳозирда корхонада 100 ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

– Карантин шароитида ишлашнинг ўзига хос мураккабликлари бор, – дейди сармоядор Сунг Сант Ли. – Бинобарин, Ўзбекистон ҳукумати бизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани айни муддаодир. Лойиҳамизнинг навбатдаги босқичида ипак толасидан матолар тайёрланиши йўлга қўйилади. Чунки даромаднинг асосий қисмини тайёр маҳсулот ишлаб чиқарганлар илиб кетишади. Жаҳон бозорида бир килограмм ипакнинг баҳоси 38-40 АҚШ долларига тенг. Агар у калава қилинса, нархи 55 долларгача ортади. Ундан мато тўқиб, кийим-кечак тикиб сотилса, даромад 3 баробар кўпаяди. Ипак калавасининг ҳар бир килограммидан 11 метргача мато тўқилади. Худди шунингдек, гиламчиликни ривожлантириш ҳам кони фойда. Масалан, битта гилам тўқиш учун ўртача 10 килограмм ипак калаваси керак, холос. Шу ҳисобда, ипак ип учун 500-600 доллар атрофида маблағ сарфланади. Гилам тайёр бўлгач, унинг баҳоси 10 маротаба ошиб кетади. Эътиборлиси, "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси томонидан халқаро интернет платформа яратилди. Бу эса, жумладан, бизнинг корхонамиз маҳсулотларини ҳам дунёнинг исталган нуқтасидаги харидорлар сотиб олишига имкон беради.



"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси раиси ўринбосари Миряшин Мирсагатовнинг қайд этишича, ипакчилик соҳасида етакчи ҳисобланган Жанубий Корея сармоядорлари ҳам бугун Ўзбекистонга ишончли ҳамкор сифатида қарамоқда. Бунинг асосий сабаби, пиллачилик қисқа вақт ичида мавсумий тармоқдан доимийга айлантирилиб, қулай ишбилармонлик муҳити яратилганидир. Юртимизда таркибида камида 4-5 та корхонани бирлаштирган пиллачилик-кластерлари яратиш саъй-ҳаракатлари алламақчон бошлаб юборилди. Уларда ипак қурти озуқасини етиштиришдан тортиб, пилла олиш, ипак йигириш, мато тўқиш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган барча босқич қамраб олинади. Шу билан бирга, фойдаланишга топширилаётган пиллачилик мажмуалари қошида паррандачилик, асаларичилик, чорвачилик ҳамда қўнғичликни ривожлантириш, иккиламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконияти пайдо бўлаяпти.

– Аёл киши учун уйи яқинида ишлаш ҳам бир саодат, – дейди ишчи Дилноза Жўраева. – Маҳалламиздаги ўнлаб хотин-қизлар шу ерга ишга жойлашишди. Корхонада аввал оддий, жўн ишларни бажардик, секин-аста мураккаб дастгоҳларни бошқаришни топширишди. Маошимиз ҳам шунга яраша ошяпти. Яъни, нафақат ишлаяпмиз, балки муайян малака ҳосил қиляпмиз, ўқиб-ўрганяпмиз.

Беназир зот, аллома шоир Алишер Навоий ҳазратларининг халқ орасида ҳикматли иборага айланиб кетган ҳув ўша машҳур "пилла қуртичалик ҳимматинг йўқму?" деган мазмундаги сатрларига жо бўлган оддий ҳаёт ҳақиқатига ҳаммамиз гувоҳмиз. Тўғри-да, пилла қурти боқмаган оила яқин замонларда мамлакатимиз қишлоқларида жуда камдан кам топиларди. Бу ажойиб юмуш ортидан номлари достон бўлган пиллачиларни ҳали ҳануз хўрсиниб эслаймиз. Уларнинг фидойиликлари китоб-киноларга айлангани ҳам сир эмас. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда.

Саидвафо БОБОЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲА:

"ТАДБИРКОРГА ЯҚИН КЎМАКЧИМИЗ!"

(Боши 1-саҳифада)

– Давлат хизматлари марказига келган фуқаро ўрнатилган тартибга асосан қисқа муддатда бинодан тадбиркор бўлиб чиқиб кетади. Бу тизим вилоятимизда тадбиркорлик муҳитини яхшилашда, улар сафини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Биз эса уларга ҳуқуқий маслаҳат бериб, эмин-эркин фаолият юритишларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатмоқдамиз, – дейди вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Шерзод Баҳронов. – Пандемия даврининг ўзида муҳтарам Юртбошимиз томонларидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган 20 га яқин фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу ҳам ҳар бир тадбиркор давлатимизнинг алоҳида эътиборида эканлигидан далолат беради. Қолаверса, карантин даврида экспорт фаолияти билан шуғуллануви бизнес вакилларига ҳам жуда катта қулайлик, имконият ва имтиёзлар тақдим этилди.





Ҳамкорликдаги лойиҳанинг асосий манзили Навоий эркин иқтисодий зонаси ҳудудида 2018 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган "GREEN LINE PROFIL" масъулияти чекланган жамияти бўлди.

Мазкур корхона алюминий профил маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Ушбу корхонага 39,6 миллион доллар миқдорида инвестиция киритилган бўлиб, унинг йиллик қуввати 36 минг тоннани ташкил этади. Корхона фаолиятини бошлаши муносабати билан 700 та янги иш ўрни яратилди.

Корхона томонидан йиллик ўртача ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 30 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда. Хусусан, тайёр маҳсулотлар 10 дан ортиқ давлатлар бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Биргина корхона томонидан 2020 йилнинг 6 ойи давомида 5 миллион АҚШ долларидан юқори ҳажмда экспорт фаолияти амалга оширилгани фикримизнинг ёрқин исботидир.

Корхонанинг тайёр маҳсулотларидан қурилиш, самолётсозлик, кемасозлик, машинаозликда кенг фойдаланилмоқда.

Жорий йилнинг 4-чорагида мазкур корхонанинг иккинчи босқичи ишга туширилиши режалаштирилган.

Ушбу босқич учун 20 миллион АҚШ доллари инвестиция киритилиши, натижада эса қўшимча 200 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Иккинчи босқичнинг ишга туширилиши 75 минг тонна алюминий профил маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Экспортчилар уюшмаси Навоий вилояти бўлими раҳбари Сардор Ғаффоров ва вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Шерзод Баҳронов мазкур корхонанинг мутахассиси ҳамроҳлигида ишлаб чиқариш жараёнлари ва экспорт бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, пандемия шароитида корхона фаолияти қандай йўлга қўйилаётгани ҳолати билан яқиндан танишди. Ташриф доирасида тадбиркорларга ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Экспорт салоҳиятини янада ошириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилди.

Отабек АСЛОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

"Уйда ўтириб, пенсиямни жамғараяпман"

Тадбиркорликка илк қадам ўзини ўзи банд қилишдан бошланади.

Бугун солиқ идораларининг ҳам асосий вазифаларидан бири ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини тарғиб қилишдир. Аҳоли фаолиятини қонунийлаштириш, иш стажи ва пенсия таъминотини йўлга қўйиш, кредит олишга имконият берувчи бу фаолият тури дунё миқёсида ҳам оммалашган. Бу борада аввало норасмий секторда банд бўлган фуқаролар ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилаяпти.

Хўш, ўзини ўзи банд қилиш ҳақида фуқароларнинг фикри қандай?

Сайёра МИРЗАЕВА, сотувчи: Шунча йилдан бери бозорда ишлаб, ҳали бундай имконият ҳақида эшитмаганман. Менинг ҳам давлат ишида ишлагим келган. Аммо бозорда турган жойимизга чек тўлаб, ишлашга ўрганиб қолдик. 2 нафар фарзандим ҳам ҳунарли. Аммо улар ҳам ижара ҳақини тўлаб ишлашади. Солиқчилар келиб тушунтириш беришдики, биргина ижтимий солиқни тўлаш орқали иш стажига эга бўлиш мумкин экан. Бу жуда ажойиб имконият-ку!

Ширин МУРОДОВА, тикувчи: Бирон жойда ишлаш учун албатта, олий таълим олиш, ҳеч бўлмаганда касб-ҳунар коллежини тамомлаш керак. Аёл киши ишлаши учун уй-рўзғор ишларини, болаларини ишончли қўлларга топшириши керак. Мен тикувчилик ҳунарини ўрганганман. Пардалар, аёллар либосларини тикаман. Даромадим ёмон эмас. Ўзини ўзи банд қилиш мен учун жуда қулай экан. Июль ойида ўзини ўзи банд қилган фуқаро сифатида рўйхатдан ўтдим. Энди менга иш стажи ёзилади. Уйда ўтириб, пенсиямни жамғараяпман.

Фаттоҳ ЮСУПОВ, чўпон: Отам ҳам чўпонлик қилган. Илгари колхозларда чўпон деган штат бўларди. Одамларнинг қўйини баҳордан кузгача боқиб бераман. Қўй бошига белгиланган сумма бор. Бунинг эвазига қўйларни касаллантирмаслик, йўқотмаслик каби мажбуриятларни бажараман. Аммо шу пайтга қадар менга ҳеч ким иш стажини юритиш ҳақида гап очмаган. Баъзилар номига бирон жойда ишга жойлашган бўлишади-да, ойлигини ўша ернинг раҳбари олади. Ўзининг иш стажи юритилади. Аммо менга бунақа иш керак эмас. Солиқчиларга раҳмат. Отаримни топиб келиб, менга тушунтириш беришди. Ўзимни ўзим банд қилсам, фақатгина битта солиқ турини тўлаб борсам, менга иш стажи ёзилар экан. Пенсия ёшига ҳали 12 йил бор. Бу менга жуда ҳам маъқул келди. Қонуний эканлиги ёқди.

Жиззах вилоятида 15 июль ҳолатига ўзини ўзи банд қилганлар сони 3922 нафарга етди. Тарғибот ишлари давом этмоқда.

Муқаддас САПАРОВА,
Жиззах вилояти ДСБ инспектори.

Хоразм вилояти

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси томондан карантин вақтида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Урганч марказий деҳқон бозори, турғун савдо дўконлари ва кўчма бозорларда "Даладан дастурхонга" тамойили асосида 27 хил турдаги маҳсулотлар билан таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, марказий деҳқон бозори расталари махсус ҳимоя воситалари билан ўралган. Ҳар бир озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари санитария-гигиена қоидалари асосида харидорларга тақдим этилмоқда.

Шунингдек, Урганч шаҳрида жойлашган йирик савдо марказларида ҳам бирламчи истеъмолбоп маҳсулотларнинг сифати, нархи ва узлуксизлигига асосий эътибор қаратилмоқда. Департамент органларининг амалий кўмаги билан томорқа ер эгалари, фермер ва деҳқонларнинг ҳосили биринчи қўл тамойили асосида сотилиши таъминланмоқда. Бу борада ишлаб чиқарувчиларга алоҳида расталар ажратилмоқда.


Карантин даврининг бугунги синовли кунларида бу каби вазифалар ижросидан асосий мақсад халқ фаровонлиги, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш ва синовли даврни хавфсиз енгиб ўтишдан иборат.

Бу борада барча юртдошларимиз ҳамжиҳатликда карантин қоидалари асосида харидни амалга оширишлари муҳим.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси.

"ҒАЛЛА-2020"

Андижон вилояти



Жорий йилги ғалла ўрим-йиғим мавсуми андижонлик ғаллакорлар учун ҳам муваффақиятли бўлди. Вилоятнинг миришкор ғаллакорлари биринчилардан бўлиб зафар маррасини қучдилар. Улар ғалла топшириш бўйича давлат шартномавий мажбуриятларини ортиғи билан адо этдилар.

Мавсум муваффақияти

Бунда пахта ва ғалла йўналишидаги қишлоқ хўжалиги кластери ғаллакорларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Хусусан, Бўстон туманида самарали фаолият юритаётган "Sabo klaster" томонидан ўтган ғалла ўрим-йиғимида уюшқоқлик билан иш ташкил этилди. 1786 гектар экин майдонига эга хўжаликда етилган 700 гектарлик ғаллани ўз вақтида йиғиштириб олиш пайида кластер ғаллакорлари тун-у, кун меҳнат қилдилар.

– Ғалла ризқ-рўзимиз, – дейди "Sabo klaster" раҳбари Баҳодиржон Қодиров.

– Ҳар бир бошоқда пишиб етилган дон эса бараканинг бош омилидир. Шу боис ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш мақсадида кластеримизда 3 та отряд шакллантириб, отрядларга 18 нафар тажрибали мутахассисларимизни жалб этган эдик.

Дарҳақиқат, ўрим-йиғимда отряд аъзоларига кластер меҳнат жамоаси ходимлари ҳам яқиндан ёрдам бердилар. Ўз ўрнида ғаллакорлар ўз масъулиятларини унутмаган ҳолда меҳнат қилиб кластер хирмони юксалишига ҳисса қўшдилар. Шунга яраша ҳосил салмоғи кундан-кунга ортиб борди. Ўрим-йиғим жараёнларига тегишли ҳисоб-китобларни аниқ юритиш, тезкор маълумот алмашиниш учун эса кластернинг "Марказий ғалла штаби" узлуксиз ишлаб турди.

Бундан ташқари, отрядларга бириктирилган 3 та ўрим комбайни, 13 та дон ташиш автотранспорти ва бошқа шу каби техникалар ўрим-йиғимда иш самарадорлигини янада оширди. Натижада туманнинг Гулистон, Бобур, Янги ҳаёт ва Улуғбек массивларида жойлашган кластер бўлимларинг ғалла майдонларидан юқори ҳосил олишга эришилди. Мавсум бошидан якунигача ғалла майдонларидан 2331 тоннадан ортиқ ҳосил йиғиштириб олиниб, давлат шартномавий режаси ўз вақтида бажарилди. Умуман олганда бу йил кластер тизимидаги ишлар жуда омадли келди. Пилла мавсумида ҳам аъло натижаларга эришилди. Ана шундай ютукларга эришишда меҳнатини аямаётган дала ишларида намунали хизмат қилган меҳнаткаш ишчилар эса рағбатлантирилмоқда. Ўз меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилдан ўзларига тегишини олдилар. Айни вақтда ғалладан бўшаган дала майдонларидан унумли фойдаланиш мақсадида маҳаллий экинлардан ташқари соя сингари дуккакли ва экспортбоп маҳсулотлар экилиб, асосий эътибор унинг парваришига қаратилган. Бу эса ҳозирги пандемия шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бозорлардаги нархининг меъёрда бўлишига имконият яратади. Бундан ташқари, ғўза парвариши ҳам унитилгани йўқ. Ҳамма ўз вақтида далада бўлиб, агротехника ишларини кўнгилли ташкил этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам ўтган ўрим-йиғим мавсумида жонбозлик кўрсатган қишлоқ хўжалиги кластери меҳнат жамоасининг кейинги фаолиятларига омад тилаб қоламиз. Зеро, ғаллакорларимизнинг омади дастурхонимиз тўкинлиги, турмушимиз фаровонлигини таъминлаши шубҳасиз.

Илҳомжон ТОЖИБОЕВ

МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

Ғўзани чилпиш – муҳим тадбир

Пахтакорлар учун чилпиш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Чилпишни ўз вақтида бажариш ғўзанинг шона, гул тугунчаларини сақлаш, кўсак пайдо бўлиш ва етилиш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади, оқибатда кўсакларнинг пишиши 5-10 кунга тезлашади ва ҳосилдорлик гектарига 3-4 центнерга ортади.

Ғўзанинг биологик талаблари тўлароқ қондирилса, у июнь ва июль ойи ўрталарида шиғил ҳосилга кириб, кўплаб кўсаклар вужудга келади. Аммо ҳамма вақт ҳам барча майдонларда ғўзанинг меъёрида ўсиб, ривожланиши ва ҳосил тугиши таъмин этилавермайди.

Ўсимликнинг нотўғри парвариш қилиниши, суғориш ва агротехникасининг бузилиши ва бошқа нуқсонлар оқибатида ғўзаларни чилпиш агротехник тадбирга айланиб қолади.

Ғўза ўз вақтида, яхши тайёрланган ерга экилса, вақтида ягана қилинса, ўғитлар белгиланган меъёрда солинса, унинг ўзи ўсишдан тўхтайди. Ҳосили қанча кам бўлса, ўсишга мойил бўлади. Шуни эътиборга олиб, ўсишга мойил пайкалларда ғўзани бош поя ва ўсув шохларининг учи олиб ташланса, озиқ моддалар ҳосил шохларга, ундан ҳосил тугунчаларга ўтади. Натижада ҳосил тугунчаларининг тўкилиши камаяди, кўсаклар кўпайиб, вазни ортади.

Ғўзанинг айрим тупларида 60-100 тагача ҳосил элементлари бўлиши мумкин, бироқ ёппасига мевалаш даврида озиқ элементлари ва сув етишмаслиги боис уларнинг кўп қисми тўкилиб кетади. Бу ҳолат жорий йилда 15-20 июлдан 1-5 августга қадар тўғри келиши мумкин.

Чилпиш ўз вақтида ва сифатли ўтказилса, кўсакларнинг пишиши тезлашади, ҳосилдорлик ошади. Аксинча, бу тадбир кеч ўтказилса, ўрта ярусдаги гул ва тугунчаларнинг бир қисми тўкилиб, ҳосил кечки бўлади.

Чилпиш асосан қўлда, механизмлар ёрдамида ва кимёвий усулда ўтказилади.

Механизмларда ўтказилгани қўлдагига қараганда 4 баробар арзонга тушади. Ниҳоллар ривожи ҳар хил бўлганида ушбу тадбирни икки марта ўтказиш лозим. Аввалига асосий ўсиш нўқтаси қирқилса, орадан 7-10 кун ўтгач, ўсиб бараварлашган бошқа тупларнинг учлари чилпиб ташланади.

Чилпиш қўлда ўтказилганда асосий ва ён шохларнинг ўсув нуқталари 1,5-2 сантиметр узунликда юлинади.

"Пикс" препарати бошқа дориларга нисбатан бир қанча афзалликларга эга. У сепилгач, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши мувофиқлашиб, ҳосили мўл, эртаги ва тола сифати юқори бўлади. Шунингдек, ғўза тупи ихчам арчасимон шаклга киради. Бу эса қаторлар орасида ҳаво алмашинувини яхшилашга ҳамда кўсаклар чиришининг камайишига олиб келади.

Кимёвий чилпиш ўтказишда қўлланиладиган препаратлардан яна бири "Устикс" бўлиб, у ҳам ҳосилни кўпайтиришга хизмат қилади. Лекин унинг ўткир ҳидга эгалиги, заҳарлилиги уни қўллашга хавфсизлик техникаси ва санитария қоидаларига қатъий амал қилишни талаб этади. Бундан ташқари, ушбу тадбир учун "тур", "Далпикс", "Сожеан" каби дорилар ҳам ишлатилади. Уларни пуркаш вақти ва сарфлаш меъёри ғўза ривожига ҳамда бош поя баландлигига кўра белгиланади.

Ҳосил шохлари кам бўлган майдонларда бу тадбир самара бермаган. Айни пайтда кечки-чилпиш ҳам кутилган самара бермаслиги таъкидланган.

Белгиланган тадбирлар ўз вақтида бажарилса ғўза бўйига ўсиб кетмайди. Озиқ моддалар ва сув ҳосил шохларига тенг тақсимланади. Чилпиш ўтказиш муддатини тажрибали деҳқонлар ўсимлик ҳолатига ва ҳосил элементларининг сонига қараб белгилайдилар.

Бу йилги шароитда ўрта толали ғўзада 12-13 та ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу пайтда ўсимликда камида 34-40 та ҳосил элементлари ҳам пайдо бўлади. Уларнинг камида 45-50 фоизини сақлаб қолиш мўл ҳосил олиш имконини беради, ингичка толали ғўзаларда 15-16 ҳосил шохи пайдо бўлганда яхши самара беради.

Кимёвий ишлов беришни суғоришдан 6-7 кун олдин ўтказиш янада самаралидир.

"Пикс" ўсимликнинг ривожланиш даражасига қараб гектарига 0,5-1 литр ҳажмида қўлланади. Агар ғўза бақувват бўлса, унинг сарфи 1,5 литргача етказилиши мумкин. Бунда сувли аралашма меъёри гектарига 200-300 литрдан ошмаслиги керак.

Препаратни "ОВХ-28" ёки бошқа турдаги агрегатлар ёрдамида тонгги ва кечки соатларда сепиш мақсадга мувофиқдир. Ғўзалар кучли ғовлаган майдонларда чилпиш кўпроқ қилинади. Бунда бош поя ўсув шохларининг мўрт қисми олиб ташланади. Умуман олганда, ғўза қийғос гулга кирган пайтида чилпиш тадбирини ўтказиш энг яхши натижа беради.

Илмий-тадқиқот институтларининг тажрибаларига қараганда ғўза ҳосили уч муддатда вужудга келади ва шаклланади. Биринчиси, июнь ойида бўлиб, умумий ҳосилнинг 45 фоизини ташкил қилса, иккинчиси, июль ойига тўғри келади. Бунда ҳосилнинг 47 фоизи шаклланади. Учинчи даври – август ойида эса ҳосилнинг 8 фоизи юзага келади. Аммо булар ғўза парваришига қараб ўзгариб туради. Кузатишларга кўра, август ойида шаклланган ҳосил тугунчаларининг деярли ҳаммаси кўпинча тўкилиб кетади.

Унутмаслик керакки, ўз вақтида ва сифатли ўтказилган чилпиш ҳосил элементларининг кам тўкилишини, мавжуд кўсакларнинг яхши етилишини таъминлайди. Шу билан бир қаторда, пахтани машинада теришга кенг имкон яратади.

Одатда чилпиш ғўза қатор ораларига сув қуйилгандан сўнг етилиш даврида ўтказилади. Сув қуйишдан олдин чилпиш мақсадга мувофиқ эмас. Агар чилпишдан кейин қатор ораларига сув таралса, ўсимлик ғовлаб кетиши мумкин. Бу эса ҳосилнинг кўпайишига салбий таъсир кўрсатади.

Бугунги ҳаво қизиётган бир пайтда барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш мўл ҳосил олиш демакдир.

Ренат НАЗАРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори.



БЛОК ПОСТЛАР САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА

Навоий шаҳрида коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш юзасидан тизимли ишлар олиб борилаяпти.



Хусусан, ҳар куни шаҳардаги кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, кўчалар, бозорлар, аҳоли хонадонларида уюшқоқлик билан ташкил этилаётган дезинфекция тадбирлари ҳам бу офатнинг шаҳар ҳудудида кенг тарқалиши профилактикасига қаратилган.

Ташкил этилаётган бу каби тадбирлар аҳолининг карантин қоидаларига қатъий амал қилишларини таъминлаш ва уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатдир.

Шунингдек, Навоий шаҳрига кириш-чиқишни назорат қилиш учун ташкил этилган блок постлар фаолияти ҳам самарали йўлга қўйилди. Мазкур пунктларда Миллий гвардия, ИИБ, Санитария-эпидемиология осойишталик маркази ходимлари ҳамкорлигида самарали фаолият олиб борилмоқда.

Отабек АСЛОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сув ҳавзаларида чўмилиш қоидаларини биласизми?

Чўмилиш кишига ғайрат-шижоат бағишлайди. Ёзнинг иссиқ кунлари кишининг чўмилишга бўлган эҳтиёжини оширади. Шу боис, бу мавсумда кўпчиликни сув ҳавзаларида учратамиз. Шуни унутмаслигимиз керакки, чўмилишда ўта ҳушёр бўлишимиз керак. Токи, чўкиш билан боғлиқ мудҳиш ҳолатлар келиб чиқмасин. Бунинг учун нималарга эътибор қаратишимиз керак? Аввало, сузишни ўрганишда сувнинг чуқурлиги 60-90 сантиметр бўлиши лозим. Бундай чуқурликда одам сувдан чўчимайди, оёғи таянч нўқтага эга бўлади. Сув ҳавзаларида чуқурлик билан бирга оқим тезлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Оқим тезлиги дақиқасига 10 метрдан ошмаслиги зарур. Агар сувнинг ҳарорати +16 дан паст бўлса, чўмилмаган маъқул. Сувга тушишдан олдин бош, кўкрак соҳаларни аввал ҳўллаб, сўнг шўнғиш даркор.

Таъкидлаш жоизки, айни ёз мавсумида чўкиш билан боғлиқ мудҳиш ҳодисалар учраб туради. Бунга асосан, катталар томонидан назоратнинг бўшаштирилгани, ёшлар орасида бу борада тушунтириш ишларининг қониқарсиз олиб борилаётгани ҳамда болаларнинг суза олмасликлари сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда шуни эслатиб ўтамизки, фақат қутқарув хизмати бўлган жойлардагина чўмилишга рухсат этилади.

Х.ШЕРОВ,
Қибрай тумани ФВБ ОЁХТТЭБ инспектори.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирлик марказий аппаратининг Ирригация тизимларидан ва гидротехника иншоотларидан файдаланиш бошқармаси башлиғи **Жумақул ДУРМАТОВ**нинг вафоти мунасабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

JOHN DEERE
MONOSEM



"Monosem" компанияси пахта, мош, маккажўхори ва соя уруғларини экиш учун аниқ экадиган сеялкани тақдим этади. Қатор сони: 4, 6, 8 ва 12. Қатор оралиғи: 60 см, 76 см, 90 см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар ва гербицидларни қўллаш мумкин.

WWW.LANDTECH.UZ +(998) 90 325 49 99 +(998) 93 181 11 66 +(998) 78 150 76 66

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.
Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.
e-mail:chzsxt@mail.ru Хизматлар лицензияланган. Маҳсулотлар сертификатланган.

PLANETA SERVIS

TRAKTORBOR.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир ҳайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари)*

Раимқул СУЯРОВ *(Бош муҳаррир ўринбосари)*

Саҳифаловчи-дизайнер **М.ЮСУПОВ**

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. **Аграр масалалар бўлими** – 236-26-47. **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** – 233-76-78. **Факс** – 233-44-43, 233-09-93. **Реклама ва эълонлар –** 236-26-50, 233-28-04. **web sayt:** www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-725, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
2 542 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5

Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.00